

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСИДИР

**Қаршиев Р.Қ. (СамИСи Доценти).
Қўлдошов Ш.А. (СамДУ магистранти)**

Мақолада қишлоқ жамиятининг тарихан босиб ўтган йўллари шуни кўрсатадики, ҳар қандай тараққиётинингасосида барча тармоқ ва уларнинг иқтисодий – ижтимоий самандорлигини ошириб бориш ётади. Бунинг учун барча тармоқ ва соҳаларни бир-бирига мутаносиб ривожланишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида фикр юритилган.

Мустақилликга эришилгандан кейин, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтилиши натижасида, республикамизда иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида таркибий ўзгаришлар олиб борилмоқда. Бу таркибий ўзгаришлар мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш асосида ҳамда халқ хўжалигининг индустриаллаштириш ва модернизациялаштириш орқали амалга ошмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов ўзининг 2013 йил 18 январдаги – “Бош мақсадимизнинг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” номли маърузасида “...Глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали бери сақланиб келаётган жиддий муаммоларга қарамасдан 2012 йилда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади.....”¹.

Мутаносиблик асосида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида, мамлакатимизда аҳолига хизматлар кўрсатиш ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ҳозирги даврда хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМ улуши 52-54 фоиздан зиёддир. Кўрсатилаётган хизматлар юқори технологияларга асослангандир.

Иқтисодиётимиздаги туб ўзгаришлар барча тармоқлар учун ҳозирги даврда қанча катта аҳамият касб этган, қишлоқ хўжалигида, қишлоқ жойларида, унинг ривожини ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, қишлоқ хўжалик фанларининг ривожланиши билан узвий боғлиқдир.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, ер билан боғлиқ бўлиб, унинг тупроғининг унумдорлигини асосий ўрин эгаллайди. Шу сабабли, ҳозирги даврда фермер хўжаликларининг иқтисодий самандорлигини ошириш, жойларда ер участкаларини тупроқ унумдорлигини ошириш билан боғлиқдир. Тупроқ унумдорлиги икки хил бўлади, биринчи табиий унумдорлик, иккинчи иқтисодий унумдорлик. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўстириши анашу тупроқ унумига боғлиқ бўлиб, тўлиқ тасаввур қилиши ва шунга асосан табиий ва минерал ўғитларини ерга солиши зарур. Бунинг учун

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар маҳкамасидаги маърузаси. Газета “Халқ сўзи”. 20 январь 2013 йил.

доимо тупроқни сифатини текшириш ва унинг таркибида асосан керакли озиқларни бериш тавсия этилади. Бунинг учун қишлоқ жойларида, мураккаб асбоб-ускуналар билан жиҳозланган агролабораториялар ташкил этиш уларнинг хизматларини жорий этиш зарурдир.

Тупроқ унумини унинг таркибий тузулишини тўғри аниқлаш орқали, фермерлар узоқ муддатга мўлжалланган дастурлар асосида, тупроқ унумдорлигини такрор ишлаб чиқиш, уни кенгайтирган ҳолда, янада унумли бўлиши истикболларни белгилаб оладилар. Натижада, ортиқча меҳнат, сарфлар камайиб, тупроқ сифатли, унуми юқори бўлиб боради. Бу эса қишлоқ хўжаликда фермерларнинг узоқ муддатга ишлаши ва самарали фаолият билан шуғулланиши билан имкон беради.

Мамлакатимизда жами ҳайдаладиган ерлари 85 фоиздан ортиғи етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий қисмини фермерлар ҳиссасига тўғри келади шундай экан, республикамиз ер фондларидан унумли ва самарали фойдаланиш кўп жиҳатдан агрохизматлар соҳасини ривожлантириш билан боғлиқдир.

Азиз бойликларимиз манбаи бўлмиш ва бебаҳо ерларимизни эъзозлаш, улардан самарали фойдаланиш бўйича давлат назорати хизматларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Президентимиз И.А.Каримов ўзининг юқорида кўрсатилган маърузасида “Энг асосийси – одамларимизнинг онги ва дунёқараши тубдан ўзгармоқда, бебаҳо бойлигимиз бўлган ер ва сув ресурсларидан самарали ҳамда оқилонафойдаланиш учун масъулият туйғуси кучаймоқда”.

Ер ва сув ресурсларимиздан илмий жиҳатдан тўғри фойдаланиш, уларни сақлаш ва самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муносабатлар ўз ичига ўта мураккаб, табиат, жамият ва давлат ўртасидаги мутаносиблик асосида юқори техника ва техлогияларни жалб қилиш орқали эришилмоқда. Мураккаб лабораториялар хизматларини қишлоқ хўжалигига тадбиқ қилиш ерларимиздан, сувларимиздан самарали фойдаланиш самарадорлигини оширади ва мамлакатимиз тараққиётини, халқимиз фаровонлигини таъминлайди.